

«SCIENTIFIC PROGRESS» MARKAZI



«O‘ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA‘LIM MASALALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR» MAVZUSIDAGI 1-SON KONFERENSIYA MATERIALLARI

KONFERENSIYA YO‘NALISHLARI:

1. Aniq fanlar sohasidagi erishilgan yutuqlar
2. Tabiiy fanlarni rivojlantirish masalalari
3. Tarix va ijtimoiy-gumanitar fanlarning rivojlanishi
4. Tilshunoslik va adabiyotshunoslikning dolzarb masalalari
5. Pedagogika va psixologiya sohasidagi yutuqlar

2020-yil 15-iyul

ТАРЖИМА МАТНДА САҚЛАНИБ ҚОЛГАН ФРАЗЕМАЛАР

Муҳаммадиева Дилафруз Ахтамовна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти

Аннотация: “Бобурнома” ўзга тилларга энг кўп таржима қилинган асарлардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада “Бобурнома” нинг туркча таржимаси таҳлилга тортилган. Асарда қўлланилган паремаларни таржимада ифодаланишига эътибор қаратилиб, таржиманинг ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: “Бобурнома”, таржима,асл матн, парема, мақол, матал, фразема.

Таржиманинг аниқ ва мукамал бўлишида таржима тилининг грамматик қурилиши, унда мувофиқ тил бирликларининг мавжуд эканлиги ёки эмаслиги, тилнинг объектив борлиқни ифода эта олиш имкониятларининг миқёси бир хил эканлиги ёхуд бир хил эмаслиги каби омиллар қаторида таржимоннинг маҳорати катта роль ўйнайди. Шу маънода, таржимон нафақат аслият, таржима тилларининг грамматик қурилиши, лексик бойлигини, балки ўша тилларда гапирувчи халқлар тарихи, урф – одатлари анъаналари, тил бирликларининг функционал жиҳатлари кабилар ҳақида ҳам мукамал билимларга эга бўлишлари керак.

“Бобурнома”нинг туркча таржимаси кўп жиҳатдан юқоридаги талабларга мос келадиган муваффақиятли чиққан. Ундаги фраземалар таржимасида мутаржим бир неча усуллардан самарали фойдаланган. Фраземалар таржима жараёнида масъулият билан ёндашиш, лингвистик, этнографик, тарихий билим талаб этадиган бирликлардир. “Бобурнома”даги фраземаларнинг туркча таржимасига эътибор берсак, кўйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Фразема унга якин маъноли фразема орқали таржима қилинган.

Сайди Қаро, агарчи сўзига ўз эди, қиличига забунроқ эди. (Бобурнома, б.82)

Seydi Kara Bey gerçi sözünün eri idi, fakat kılıcı bir az zayıf idi (Vekayı, s.93)

Ушбумисолда сўзига ўз фраземаси туркчага *sözünün eri* (сўзининг эри, сўзининг эгаси) маъноли ибора билан ифодаланган. *sözünün eri* иборасимаъно жиҳатидан сўзига ўз фраземасига ўхшайди, аммотаркиби грамматик жиҳатдан ҳам, лексик жиҳатдан ҳам фарқ қилади.

Сўзига – *sözünün* (-га қўшимчаси -*ün*(-нинг) шаклида ўзгарган.)

Ўз – *eri*.

Бу ўринда ўз сўзи “эга” деган маънони ифодалашга хизмат қилган, *сўзига ўз-ўз сўзига жавоб бероладиган, бир сўзли* дегани. **Er** сўзи турк тилида эркак киши, мард жасур деган маъноларни ифодалайди, фразема рамзий маънода сўзига мард деганидир.

Sözünün eri фраземасига *Deyimler sözlüğü* (фраземалар луғати)да куйидагича таъриф берилган: *Herhangi bir konuda vermiş olduğu sözü her ne pahasına olursa olsun yerine getiren (bir insan olmak) lafinın eri (olmak)* (ҳар қайси соҳада берган ваъдасини қийин бўлса ҳам бажарадиган одам. Таржима бизники – М.Д.) Бундан кўринадики, худди ўзбек тилидаги маънони ифодаловчи туркча фразема таржиманинг асл маъносини яхши очиб берган.

Бир том уйга кириб, ўт ёқиб, бир замон кўзим уйқуга борди (Бобурнома.б.99).

Duvarla çevrilmiş bir eve girip, ateş yakıp, bir müddet uykuuya daldım (Vekayı, s.125).

Кўзум уйқуга борди ибораси таржимасида **кўз** компонентни ифода этилмаган, унга эквивалент сифатида *уйкууа daldım* фраземаси қўлланган. Бобур уйқу ҳолатини **кўзга** нисбатан тасвирлайди, таржимада эса *уйкууа dalmak* бутун танага нисбатан олинган. Шу билан биргаликда уч таркибли фразема (*кўзум уйқуга борди*) икки таркибли ибора (*уйкууа daldım*) билан

ўғирилган. Ўзбек тилида уйқу сўзи *daldı-чўмди* тушунчаси билан биргаликда қўлланмайди, *хаёл*, *уй* сўзлари билан биргаликда қўллана олади. Бу ҳам ўзбек ва турк тилларидаги фраземаларнинг фарқли жиҳатларидан биридир.

2. Фразема сўзма-сўз таржима қилинган:

Бу жиҳаттин бу тоғ эли била яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим эди (Бобурнома.б.166).

Bu sebeple bu dağ halkı ile iyi münasabatte bulunmak vacıp ve lazımdı (Vekayı, s.251).

Бу мисолда *яхши маош қилмоқ* фраземаси *iyi münasabatte bulunmak-яхши муносабатда бўлмоқ* тарзида таржима қилинган. Türk dili deyimler sözlüğüда бундай фразема берилмаган, шунга кўра таржимон фраземани сўзма-сўз таржима қилган дейишимиз мумкин. Худди мана шу ҳолатни кейинги мисолимизда ҳам кўришимиз мумкин:

Ҳар неча бандиким қолиб эди, Хожса Калоннинг шафоати била гуноҳларини бағишлаб, аҳл ва аёлларини аларга қайтиб рухсат берди (Бобурнома. б.162).

Geri kalan bir kaç esirin, Hoca Kelan'ın şefaati ile, gunahlarını bağışlayarak kadın ve çocuklarını iade edip, gitmelerine musaade ettik. (Vekayı, s.245).

Бу ерда ҳам фраземанинг айнан сўзма-сўз таржима қилинганлиги кўриниб турибди.

гуноҳларини бағишлаб-gunahlarını bağışlayarak

*“кўз илмас” (писанд қилмаслик) ибораси *nazar-ı dikkate almazdı* (эътиборга олмасди) шаклида қўлланган.*

Бу фиръавн ани кўз илмас эди (Бобурнома. б.45).

Fakat bu fir'avn onu nazar-ı dikkate almazdı (Vekayı s.26.).

Бу ибора таркибидаги кўз компоненти туркчада кўзга алоқадор бўлган ҳолат оти-*nazar-ı dikkate*изофали бирикмаси билан ифодаланган. *Писанд қилмаслик* тушунчаси ҳам мазмун жиҳатидан бироз юмшаган, у

такаббурлигидан эмас, шунчаки эътибор бермаган деган тушунчага яқинлашган.

Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламоқ керак (Бобурнома.б.95).

Şeyh Bayezdni yakalamak ve erki ele geçirmek lazım (Vekayı, s.126).

Бу мисолда аркни иликламоқ фраземаси erki ele geçirmek (куч билан эгалламоқ) шаклида таржима қилинган. Таржимада **қўл** тушунчаси ўрнига куч билан маъносини берувчи бошқа фразема қўлланган.

3. Фраземанинг маъноси сўз бирикмаси билан ифодаланган:

кўз етар ерда фраземаси *gözle görünür* тарзида таржима қилинади.

Кун туш бор эдиким, кўз етар ерда бир отнинг устида бир нима йилтираб кўринадир (Бобурнома. б.99.).

Öğle vakti gelmişti; gözle görünür bir yerde bir at üzerinde bir şey parlıyordu. (Vekayı s.124.)

Иликка тушкан навкарларнинг тамом бўйнига урдурди (Бобурнома. б.57.).

Eser düşen adamlarının hepsinin başlarını kestirdi (Vekayı s.43.) .

Бу ерда *кўз етар ерда* фраземаси *gözle görünür* (кўз билан кўрадиган) сўз бирикмаси, иликка тушкан ибораси eser düşen (*асир тушган*) тарзида таржима қилинган. Биринчи фраземада кўз компоненти сақланган, фақат грамматик категорияларгина алмашган холос, иккинчи мисолдаги иликка тушкан фраземаси шу маънони берувчи *асир тушган* ибораси билан алмаштирилган ва бу асарнинг тушунарлилигини таъминлаган. Айтиб ўтиш лозимки, *асир тушган* ибораси ўзбекча тарихий манбаларда ҳам кўп учрайди. Аслида фразеологик бирликларни таржима тилида қайта яратиш жуда мураккаб бўлиб, таржима қилинаётган фразема аслият тили билан узвий боғлиқ ва шу тилнинг вакили-миллат тарихи, турмуш тарзи, урф-одати, маданияти, топонимикаси, ўзига хос миллий хусусиятларини ўзида намоён этади. Мана шу ҳолат мутаржимдан ўз

20	G'ayvullayeva P.J.	“Shaytanat” asarining til xususiyatlari	392
21	Ibrohimova S.	Said Ahmadning “Jimjitlik” romanida sinonimlarning qo‘llanilishi	395
22	Ismatova N.M.	Principles and methods of teaching foreign languages	398
23	Sharipov T.S. O'roqova M.O'.	Qorako‘z majnun – vafo, sadoqat timsoli	401
24	Malikova S.	Ruboiynavis Boburning o‘ziga xosliklari	405
25	Nasirdinov O.A.	System of exercises for teaching listening skills of learning foreign languages	408
26	Sharipov T.S. O'roqova M.O'.	Ona tili fanini o‘qitishning muammolari	411
27	Sopaxonova N.X.	Adabiyot darslarida ijodkor tarjimai holini o‘rgatish xususida	415
28	Turdaliyev O.S.	Asar ta’sirchanligini ta’minlashda o‘xshatish vositalarining ahamiyati (yapon adibi Natsume Sousekining “Qalb” romani asosida)	419
29	Tursunova G.D. Ibrohimova G.I.	Tilshonoslikning bugungi kundagi dolzarb masalalari	423
30	Жуманов Э.Э.	Ўзбек халқ эртақларини нашрга тайёрлаш муаммолари	425
31	Soliyeva G.M.	Umumiy o‘rta ta’lim maktablarda boshlang‘ich sinflarda ona tili darslarida ot so‘z turkumini mavzusini o‘rganishda izchillik	432
32	Abdulhamidova M.I. Joraxonova M.M.	Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida ona tili fanini o‘qitishda ona tilidan sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish	435
33	Qosimova X.A. O‘rinova D.A.	Maktablarda ona tili darslarida so‘z turkumlarini o‘rganish va «fe’l» so‘z turkumini o‘qitish	439
34	Abdurahmonova H.M.	Boshlang‘ich sinflarda ona tiliini o‘rganishning mazmuni va vazifalari	442
35	Муҳаммадиева Д.А.	Таржима матнда сақланиб қолган фраземалар	445
36	Yuldashova G.O.	The importance of multimedia and mobile applications in teaching foreign languages	450